
Энди Ўзбекистонда алимент тўламаган шахс ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий жалб қилинади

Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қонунни имзолади.

Маълумотларга кўра, 2021 йилда республика бўйича вояга етмаган фарзандига алимент тўлашдан бўйин товлаган 5,3 мингдан ортиқ фуқаро маъмурий қамоқ жазосига тортилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 8,7 мингдан ортган.

Қонунда алимент тўламаганлик учун белгиланган жарима ёки қамоқ жазоси алимент оловчи болага ҳеч қандай наф келтирмайди. Аксинча, шахснинг маблағи жарима учун ундирилишига ёки у қамоққа олиниб, 15 сутка мобайнида даромад топиш ва алимент тўлаш имкониятидан маҳрум бўлишига олиб келади.

Бунинг олдини олиш учун қонунга янги маъмурий жазо тури, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий жалб қилиш жазоси киритилмоқда. Бунда алимент тўламаган шахснинг жамоат ишларини бажариб олган ҳақининг тенг ярми алимент оловчига берилади.

МИБ Фурқат тумани бўлими

2023-04-19 14:04:24